20	Дурдиев Ҳ.М. Қуйи Амударё ва Фарғона водийси худудларида ер ости ва зовур сувларидан қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда фойдаланиш, ИСМИТИ. – Тошкент, 2015. – Б. 250-253.	Durdiev HM Kuyi Amudaryo va Fargona vodiysi khududlarida yer osti va zovur suvlaridan kishlok khuzhaligi ekinlarini sugorishda foydalanish [The use of groundwater and ditch water in the irrigation of agricultural crops in the Lower Amudarya and Fergana Valley] ISMITI. Tashkent, 2015. Pp. 250-253. (in Uzbek)
21	Gofurov, Jasur. "Уструшона қишлоқ маконларини шаклланишида сун'ий сугориш тизимининг ўрни." Архив Научных Публикаций JSPI (2020).	Gofurov, Jasur. <i>Ustrushona kishlok makonlarini shakllanishida sun'iy sugorish tizimining urni</i> [The Role of Artificial Irrigation Systems in the Formation of Ustrushona Rural Areas] Archive Nauchnyx Publication JSPI (2020). (in Uzbek)
22	Муродов О. У. Қишлоқ хўжалигида томчилатиб сугориш технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги // Science and Education. 2020. – Том 1. – №1. – Б.177-184.	Murodov O. U. <i>Kishlok khuzhaligida tomchilatib sugorish texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi</i> [Efficiency of using drop irrigation technologies in agriculture] Science and Education. 2020. Vol 1. No1. Pp. 177-184. (in Uzbek)

УЎТ: 622.79:622

СЕЛ-СУВ ОМБОРЛАРИДА ЛОЙҚА-ЧЎКИНДИЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

А.А.Янгиев - т.ф.д., профессор, Ш.Панжиев - докторант, Д.С.Аджимуратов - PhD, ассистент
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада Қашқадарё вилоятидаги "Лангар", Дехқонобод, "Шурабсой" сел-сув омборларида олиб борилган дала тадқиқотлари натижалари келтирилган. Сел-сув омборларида сел-тошқинлари натижасида носозликлар кўп учрамоқда, тасодифий келган сел-тошқинларини ўтказиб юборишда сув ташлама ва сув чиқариш иншоотларида бузилишлар кузатилган. Шу билан бирга, сел-сув омборлари ҳавзаларида кўп миқдорда лойқа-чўкиндиларни тўпланиши содир бўлган. Мақолада 2025–2030 йилларгача "Лангар", "Дехқонобод", "Шурабсой" сел-сув омборларидаги лойқа-чўкиндилаш миқдори башоратлаш эмпирик формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқиш натижалари ҳам келтирилган бўлиб, ҳозирги пайтда уларнинг фойдасиз ҳажмлари тўлиқ лойқа-чўкиндилашга тўлганлиги таъкидланган. Сел-сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш бўйича дастлабки тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: сел-сув омбори, гидроузел, сув чиқариш иншоотлари, сув ташлаш иншоотлари, лойқа-чўкиндилаш, фойдасиз ҳажм, муаллақ ва туб чўкиндилаш, сел-сув омбори хавфсизлиги

АНАЛИЗ ФОРМИРОВАНИЯ ОТЛОЖЕНИЙ НАНОСОВ В СЕЛЕ-ВОДОХРАНИЛИЩАХ И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ОЦЕНКЕ БЕЗОПАСНОСТИ

А.А.Янгиев - д.т.н., профессор, Ш.Панжиев - докторант, Д.С.Аджимуратов - PhD, ассистент
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизация сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены результаты натурных исследований в селе-водохранилищах Лангар, Дехканабад, Шурабсой Кашкадарьинской области. В результате селевых паводков в селе-водохранилищах возникают дефекты, так во время пропуска чрезвычайных паводков наблюдались повреждения водосбросных и водовыпускных сооружений. В то же время в селе-водохранилищах наблюдалось скопление отложений наносов. В статье приведены результаты расчетов прогнозирования отложений наносов в селе-водохранилищах "Лангар", "Дехканабад", "Шурабсой" до 2025–2030 гг. по эмпирическим формулам и отмечено, что в настоящее время их мертвые объемы полностью заилены наносами. Разработаны предварительные рекомендации по оценке безопасности селе-водохранилищ.

Ключевые слова: селе-водохранилища, гидроузел, водовыпускные сооружения, водосбросные сооружения, наносы, мертвый объем, взвешенные и донные наносы, безопасность селе-водохранилищ.

RECOMMENDATIONS FOR THE ANALYSIS AND SAFETY ASSESSMENT OF TURBID SEDIMENTS IN FLOOD RESERVOIRS

A. Yangiev - DsC, professor, Sh. Panjiev - doctoral student, D. Adjimuradov - PhD, assistant
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article presents the results of field research conducted in Langar, Dehkanabad, Shurabsoy flood reservoirs in the Kashkadarya region. There are many problems as a result of floods in the reservoirs, there are disturbances in the discharge and drainage facilities during the passage of accidental floods. At the same time, there was a large accumulation of turbid sediments in flood reservoirs. In the article, the results of the calculations using empirical formulas for predicting the amount of turbid sediments in Langar, Dehkanabad, Shurabsoy flood reservoirs up to 2025-2030 years are also presented, and it is noted that at present their useless volumes are full of turbid sediments. Preliminary recommendations for assessing the safety of flood reservoirs have been developed.

Key words: flood reservoir, hydropower station, water discharge facility, sediments, useless size, suspended and primitive sediments, flood reservoir safety.

Кириш. Сайёраимизда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш тезлиги тобора кўпайиб бормоқда. Бундай табиий ҳодисаларга сел-тошқинларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон республикаси ҳудудларида сўнгги ўн йилликда иқлим ўзгаришлари таъсирида сел-тошқинлар ва бош-

қа хавфли табиий ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Оқибатда эса ўнлаб дақиқалар ёки бир неча соат ичида қисқа муддатли сел оқимлари кўприклар, йўллар, каналлар, далалар, экин майдонлар ҳамда сув ва сел-сув омборларидаги гидротехника иншоотлари шикастланмоқда. Сел-тошқинларга асосан жадаллашган ёғингарчиликнинг тасодифий содир бўлиши сабаб бўлмоқда, натижада эса

дарёларнинг доимий оқими сел оқими билан қўшилиб, тезкор ва қисқа муддатда катта хавфлар юзага келмоқда. Республикамизда аксарият катта сел-тошқинлари тоғли ва тоғолди ҳудудларида содир бўлмоқда. Шу сабабли, мавжуд сел-сув омборларида дала-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда уларнинг техник ҳолатларини ўрганиш ва ишончли, хавфсиз ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қуйида дала-тадқиқотлари олиб борилган сел-сув омборлари бўйича маълумотлар келтирилган [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7].

Тадқиқот методикаси. Тадқиқотлар табиат кузатиш маълумотлари таҳлил қилиш ва тадқиқот натижаларини назарий қайта ишлаш асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Қашқадарё вилоятида йирик сел-тошқини марказлари Қашқадарё, Ғузардарё, Танхоздарё, Яккабоғдарё ҳавзалари ва шу билан бирга вилоятнинг тоғли ҳудудларидаги сойлар ҳисобланади. Шу боис ушбу дарёлар ҳавзаларида жойлашган сув омборларида сел-тошқинлари натижасида носозликлар кўп учрамоқда. Яъни, бу дарё ҳавзаларида барпо этилган сув ва сел-сув омборларининг ҳавзаларида лойқа-чўкиндиларнинг кўп миқдорда тўпланиши сабаб бўлмоқда.


"Лангар" сел-сув омборидаги барча гидротехник иншоотларнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда, ҳавзанинг лойқа босган ҳажми 2011 йилда аниқланган бўлиб, 2,98 млн. м³ ни ташкил этган. Ҳозирги кунда сел-сув омбори ҳавзасидаги лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаштириш талаб этилади. Сел-сув омборининг 2011 йил маълумоти бўйича 40,5% қисми лойқа-чўкиндиларга тўлган. Сув чиқариш иншооти хавфсизлигини таъминлаш учун унинг сув қабул қилиш қисмини лойиҳалаш асосида қайта қуриш таклифларини кўриб чиқиш мақсада мувофиқ [8, 9, 10]. "Деҳқонобод" сел-сув омборидаги барча гидротехник иншоотларининг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда, ҳавзанинг лойқа-чўкиндилар босган ҳажми 2010 йилда олиб борилган ўлчов ишлари бўйича 15,4 млн. м³ ни ташкил қилган.

"Шурабсой" сел-сув омборида олиб борилган кузатишлар натижасига кўра, 2011 йилда Ботиометрик маркази томонидан аниқланган лойқа босиш ҳажми 1,8 млн. м³ га тенг. Ҳозирги кунда лойқа-чўкиндилар тўпланиши давом этмоқда. Сел-сув омбори фойдали ҳажмининг 90% миқдори лойқа-чўкиндилар билан тўлиб бўлган, уларнинг лойқа чўкиндилардан тозалаш ишларини ҳисоб-китоблар асосида кўриб чиқишини талаб этади. Ҳозирги кунда сел-сув омборидан келадиган фойдали ҳажмини ҳисоблаб чиқиш ва фойдали ҳажмнинг йўқолганлигини инobatга олиб, келажакда сел-сув омборидан мақсадли фойдаланиш масаласини кўриб чиқиш зарур. Қуйида Қашқадарё вилояти тоғолди ҳудудларида жойлашган сел-сув омборларига 2015–2019 йилларда келган сел-тошқинлари сарфи бўйича маълумотлар келтирилган (1-расм).

Кузатишлар шуни кўрсатадики, "Лангар" сел-сув омборига 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 3 баробар кўпроқ миқдорда сел оқими келган. Натижада, сел-сув омбори ҳавзасининг лойқа-чўкиндилар билан тўлиши давом этмоқда. Лойқа-чўкиндилар тўлишига, асосан сел-тошқинларининг жадаллашганлигини асосий сабаб қилиб келтириш мумкин. "Лангар" сел-сув омборидаги барча гидротехника иншоотларининг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуйидагилар аниқланди:

Лангар сел-сув омбори сув ташлама иншооти тракти ва чиқиш қисмларида сел оқими келиши оқибатида сезиларли шикастланишлар пайдо бўлган (2-расм).

Сел-тошқинларининг келиш ва уни сел-сув омборидан



1-расм. Қашқадарё дарёси ҳавзасида сув тошқини пайтида максимал сел сарфларининг ўзгаришлари



2-расм. "Лангар" сел-сув омбори сув ташлама иншоотида сел оқимининг келиши оқибатида шикастланишлари

ўтказиб юбориш жараёнида ҳам сел-сув омбори сув чиқариш иншооти техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатган ҳамда сув чиқариш иншоотида носозликлар пайдо бўлган (3-расм).



3-расм. "Лангар" сел-сув омборидан сел-тошқинларини ўтказишдан сўнг сув чиқариш иншоотидаги носозликлар

Юқорида тадқиқот қилинган сув омборларидаги лойқа-чўкинди ётқизиклари тавсифларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, қаттиқ оқимнинг 90% ортиғи заррачалари $d < 0,05$ мм бўлган грунтлардан иборат. Сув билан аралашган бундай грунт заррачалари, оқимнинг физик-механик хоссаларига кескин таъсир кўрсатади. Айниқса, оқимнинг тоза сувга нисбатан қовушқоқлиги ва солиштира оғирлиги анча юқори бўлиши, юқори бьефларда сув тошқинлари ва сел оқимларини трансформация қилиш жараёнларида мураккаб гидравлик ҳолатларни юзага келтиради. Сел-сув омборларидаги кузатишлар натижаларига кўра, юқори бьефга тушган лойқа оқим чуқур ўзан бўйлаб тўғон томонга ҳаракатланади. Аммо, тўғон томонга қараб лойқа оқим заррачалари сараланиб чўкиб боради.

Сел-сув омборли гидроузелининг юқори бьефларида қаттиқ оқимнинг аккумуляцияланиш жараёнлари мураккаб физик-гидравлик ҳолатлардан иборат бўлиб, гидрологик, топографик, гидравлик, гидротехник, эксплуатация ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Бугунги кунда сел-сув омборларини лойқа-чўкинди ётқизикларидан тозалаш бўйича техник-иқтисодий жиҳатдан самарали тадбирлар мавжуд эмас. Умуман олганда, юқори бьефдаги ётқизикларни бутунлай сел-сув омборлари зонасидан чиқариб ташлашнинг амалда имконияти йўқ. Аммо, уларнинг миқдорини камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ўтказилмаса, бундай гидроузеллар яна бир неча йиллик фойдаланишдан сўнг умуман яроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин. Юзага келган муаммони ечишда юқори бьефдаги лойқа чўкинди ётқизиклари ҳажмини аниқлашдан ташқари, уларнинг юқори бьеф топографик шароитига боғлиқ равишда жойлашиш характерларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бир неча йил фойдаланишда бўлган ўзанли сел-сув омборларидаги лойқа чўкинди ётқизикларининг параметрлари лойиҳавий ҳисоб-китоблардан кескин фарқ қилади. Ўтказилган илмий-тадқиқот натижаларига кўра, ушбу сел-сув омборларидаги лойқа-чўкинди ётқизикларининг умумий ҳажмини қуйидагича аниқлаш мумкин [11, 12, 13, 14, 15]:


$$W = R \cdot n \cdot K, \text{ м}^3;$$

бу ерда: n - эксплуатация даври, йил; R - юқори бьефга тушадиган лойқа-чўкиндиларнинг кўп йиллик ўртача миқдори (бир неча йиллик гидрологик маълумотларни таҳлил қилиш асосида аниқланади); K - шамолэрозияси, қирғоқлар емирилишидан сув омборига тушадиган лойқа-чўкиндиларни ҳисобга олувчи коэффициент ($K = 1,01 - 1,04$).


Лойқа-чўкинди ётқизиклари механик таркибининг таҳлилига кўра, заррачалар диаметрлари ва уларнинг оғирлиги бўйича ўртача фоиз миқдори қуйидагича:

$d > 0,5$ мм - 0,1%; $d = 0,25 - 0,5$ мм - 0,79%; $d = 0,1 - 0,25$ мм - 2,33%; $d = 0,05 - 0,1$ мм - 53,22%; $d = 0,01 - 0,05$ мм - 13,46%; $d = 0,005 - 0,1$ мм - 8,92%; $d < 0,005$ мм - 21,18%; $d_{\text{yp}} = 0,05$ мм.


Умуман олганда, юқори бьефлардаги лойқа чўкинди ётқизиклари заррачаларининг ўлчамлари сел-сув омборларининг кириш қисмидан тўғон томонга қараб кичрайиб бориши билан тавсифланади. Юқори створларда асосан тош ва кум заррачаларидан ташкил топган ётқизиклар юзага келганлиги аниқланди [16, 17, 18]. "Лангар", "Деҳқонобод" ва "Шурабсой" сел-сув омборларида юқоридаги эмпирик формулада фойдаланган ҳолда 2025-2030 йилларгача лойқа-чўкиндилар миқдори башоратлари ҳисоблаб кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, "Лангар", "Деҳқонобод" ва "Шурабсой" сел-сув омборлари фойдасиз ҳажмлари ҳозирги кунда лойқа-чўкиндиларга тўлиб қолганлиги ва келажакда янада ортиб бориши кузатилади [4, 5, 6-расмлар].



4-расм. "Лангар" сел-сув омборидаги лойқа-чўкиндилар миқдорининг ўзгариш графиги



5-расм. "Деҳқонобод" сел-сув омборидаги лойқа-чўкиндилар миқдорининг ўзгариш графиги



6-расм. "Шурабсой" сел-сув омборидаги лойқа-чўкиндилар миқдорининг ўзгариш графиги

Демак, юқоридаги сел-сув омборлари дала кузатувларини давом эттириш натижасида лойқа-чўкиндиларнинг келиш миқдорини камайтириш бўйича ҳамда улардан тозалаш бўйича конструктив ва эксплуатацион чора-тадбирлар кўриш лозим [19, 20, 21, 22, 23].

Тадқиқотлар натижасида, сел-сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш бўйича дастлабки ишлаб чиқилган тавсиялар келтирилган.

Сув омборларида қуйидаги кўрсаткичлар таъминланганда ишга лаёқатли (нормал) ҳолат (ёки техник ҳолати ишончли ва бехатар ишлатилаётган) ҳисобланади:

- иншоотлар лойиҳа бўйича энг кўп (катастрофик) сув сарфини бемалол ўтказиш қобилиятига эга, бузилмаган, синмаган, ёрилмаган, чўкмаган бўлиши;

- тўғонлар лойиҳада кўзда тутилган сув босимини (напорини) ушлаб тура оладиган, босимли қиялиги қопламалари бузилмаган, шишиб чиқмаган, босимсиз қиялиги бузилмаган, сувни сизиб ўтиши белгилари бўлмаган;

- юқори бьефда дам (подпор) ҳосил бўлмайдиган, пастки ва юқори бьефларида энг кам ва энг кўп (катастрофик) сув

сарфи оққанда ювилиш ва лойқа чўкиши бўлмайдиган;

- сув олиб келувчи ва сув олиб кетувчи каналларининг ўзанларини иншоотга туташ қисмлари бузилмаган, лойиҳада белгиланган энг кўп сув сарфини (лойқа чўқтирмасдан ва ўзанини ювдирмасдан) ўтказадиган, ўзанлар билан туташ қисмларидаги қопламалари бузилмаган, синмаган бўлиши;

- гидромеханика (затворлари, уларни кўтаргичлари ва ҳ.к.) ускуналари коррозияга учрамаган, чиримаган, деформацияланмаган зичламалар бутун, сув ўтказмаслик ҳолатига эгаллиги, кўтаргичлари ёғланган ва осон ҳамда тез бошқариладиган.

Сув омборларида қуйидаги кўрсаткичлар юзага келганда хавфсизлиги пасайган ҳолат ҳисобланади:

- тўғонлар лойиҳада кўзда тутилган сув босимини (напорини) ушлаб тура оладиган, босимли қиялиги қопламалари ёки чокларидаги қопламалар бузилган, шишиб чиққан, босимсиз қиялиги бузилган, сувни сизиб ўтиши белгилари пайдо бўлган;

- сув олиб келувчи ва сув олиб кетувчи каналларининг ўзанлари емирилган ёки лойқа чўққан, тўғоннинг ўзанлар билан туташ қисмларидаги қопламалари бузилган, синган, лекин иншоотга туташ қисмлари бузилмаган бўлиши;

- гидромеханика (затворлари, уларни кўтаргичлари ва б.ш.ў.) ускуналари бир мунча коррозияга учраган, зичламалар емирилган ва сув ўтказиш ҳолати юзага келган, кўтаргичлар ёғланмаган.

Сув омборларида қуйидаги кўрсаткичлар юзага келганда хавфсизликнинг қониқарсиз ҳолати ҳисобланади:

- иншоотлар лойиҳа бўйича энг кўп (катастрофик) сув сарфини бемалол ўтказиш қобилиятига эга бўлмаган, бузилган, синган, ёрилган, чўққан бўлиши, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотларида музларни, шовушларни ва қўқимларнинг туриб қолиши, тикилиши;

- тўғонлар лойиҳада кўзда тутилган сув босимини (напорини) ушлаб тура оладиган, босимли қиялиги қопламалари бузилган, шишиб чиққан, босимсиз қиялиги бузилган, ҳўл доғ, сувнинг сизиб ўтиши, оқиб ўтиш, тешик, грифон белгилари бўлган, иншоотларнинг бетонли қисмларида коррозияларни юзага келиши;

- юқори бьефида дам (подпор) ҳосил бўладиган, пастки ва юқори бьефларида энг кам ва энг кўп (катастрофик) сув сарфи оққанда ювилиш ва лойқа чўкиш ҳолати бўлиши;

Сув омборларида қуйидаги омиллар юзага келганда хавфсизликнинг критик ҳолати ҳисобланади:

- конструкцияларни ва заминнинг мустаҳкамлиги ва чидамлилигининг пасайиш жараёнларини ривожланиш шароитларининг юзага келиши, хавфсизлик мезонларининг йўл қўйиладиган кўрсаткичларидан ортиши натижасида қисман ишга лаёқатсиз ҳолатдан ишга тўла лаёқатсиз ҳолатга ўтиши билан боғлиқ сув омборининг хавфсизлиги даражаси;

- бу ҳолатдан кейин ўз вазифасига кўра объектнинг ишлатишга йўл қўйилмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги нуқтаи-назаридан сув омбори иншоотларининг ресурс тугаганлигини белгиловчи чегаравий ҳолат.

Хулоса. Қашқадарё вилоятидаги "Лангар", "Деҳқонобод", "Шурабсой" сел-сув омборларида олиб борилган дала-тадқиқотлари натижаларида қуйидагилар аниқланди:

- "Лангар", "Деҳқонобод", "Шурабсой" сел-сув омборларида сел-тошқинлари натижасида носозликлар кўп учрамоқда, тасодифий келган сел-тошқинларини ўтказиб юборишда сув ташлама ва сув чиқариш иншоотларида бузилишлар кузатишган, бунга лойқа-чўқиндиларнинг кўп миқдорда тўпланиши сабаб бўлмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, "Лангар" сел-сув омборига 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 3 баробар кўпроқ миқдорда сел оқими келган. Натижада, сел-сув омбори ҳавзасининг лойқа-чўқиндилар билан тўлиши давом этмоқда.

- лойқа-чўқинди ётқизиқлари механик таркибининг таҳлилига кўра, заррачалар диаметрлари ва уларнинг оғирлиги бўйича ўртача фоиз миқдори қуйидагича:

$d > 0,5 \text{ мм} - 0,1\%$; $d = 0,25-0,5 \text{ мм} - 0,79\%$; $d = 0,1-0,25 \text{ мм} - 2,33\%$; $d = 0,05-0,1 \text{ мм} - 53,22\%$; $d = 0,01-0,05 \text{ мм} - 13,46\%$; $d = 0,005-0,1 \text{ мм} - 8,92\%$; $d < 0,005 \text{ мм} - 21,18\%$; $d_{\text{yp}} = 0,05 \text{ мм}$.

- юқори бьефлардаги лойқа-чўқинди ётқизиқлари заррачалари ўлчамлари сел-сув омборларининг кириш қисмидан тўғон томонга қараб кичрайиб бориши билан тавсифланади. Юқори створларда асосан тош ва кум заррачаларидан ташкил топган ётқизиқлар юзага келганлиги аниқланди.

- "Лангар", "Деҳқонобод" ва "Шурабсой" сел-сув омборларида эмпирик формулалардан фойдаланган ҳолда, 2025-2030 йилларгача лойқа-чўқиндилар миқдори башоратлари ҳисоблаб топилган. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, "Лангар", "Деҳқонобод" ва "Шурабсой" сел-сув омборлари фойдасиз сув ҳажмлари ҳозирги кунда лойқа-чўқиндиларга тўлиб қолганлиги ва келажакда янада ортиб бориши кузатишмоқда.

- сел-сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш бўйича дастлабки тавсиялар ишлаб чиқилди.

№	Литература	References
1	Алекин О.А. Основы гидрохимии. – Ленинград: Гидрометеоиздат, 1970. – 443 с.	Alekin O.A. <i>Osnovy gidrokhimii</i> [Hydrochemistry bases] Gidrometeoizdat, Leningrad. Publ, 1970. 443 p. (in Russian)
2	Аравин В.И., Носова О.Н. Натурные исследования фильтрации. – Ленинград: «Энергия», 1969. – 256 с.	Aravin V.I., Nosova O.N. <i>Naturnye issledovaniya fil'tratsii</i> [Natural researches of a filtration] Energiya, Leningrad. Publ, 1969. 256 p. (in Russian)
3	Асарин А.Е., Семенов В.М., Расчетные паводки и безопасность плотин // Ж.: Гидротехническое строительство. – Москва, 1992. – №8. – С. 55-57.	Asarin A.E., Semenov V.M. <i>Raschetnye pavodki i bezopasnost' plotin</i> [Settlement high waters and safety of dams] Hydraulic engineering building, Publ, Moscow. 1992. № 8. Pp 55-57. (in Russian)
4	Закон Республики Узбекистан «О безопасности гидротехнических сооружений». – Ташкент, 1999.	<i>Zakon Respubliki Uzbekistan «O bezopasnosti gidrotekhnicheskikh sooruzheniy»</i> [About safety of hydraulic engineering constructions]. Tashkent, Publ, 1999. (in Russian)
5	Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16.11.99 года, №499. Положение «О централизованном обследовании и оценке технического состояния гидротехнических сооружений в Республике Узбекистан» от 03.10.2001 г. №03-4-245.	Postanovlenie Kabinete Ministrov Respubliki Uzbekistan ot 16.11.99 goda №499. <i>Polozheniye «O tsestralizovannom obsledovanii i otsenke tekhnicheskogo sostoyaniya gidrotekhnicheskikh sooruzheniy v Respublike Uzbekistan»</i> [About the centralised inspection and an estimation of a technical condition of hydraulic engineering constructions in Republic Uzbekistan]. Tashkent, Publ, 03.10.2001. № 03-4-245. (in Russian)

6	Мухамедов А.М. Эксплуатация низконапорных гидрозлов на реках, транспортирующих наносы (на примере Средней Азии). – Ташкент: Фан, 1976. – 237 с.	Muxammedov A.M. <i>Ekspluatatsiya nizkonapornykh gidrozlov na rekakh, transportiruyushchikh nanosy (naprimere Sredney Azii)</i> [Operation of low pressure head hydroknots on the rivers transporting deposits (on an example of Central Asia)]. Tashkent, Fan, Publ, 1976. 237 p. (in Russian)
7	Yangiev A.A., Gapparov F.A., Adjimuratov D.S. Filtration process in earth fill dam body and its chemical effect on piezometers. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.	Yangiev A.A., Gapparov F.A., Adjimuratov D.S. Filtration process in earth fill dam body and its chemical effect on piezometers. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.
8	Yangiev A.A., Ashrabov A., Muratov O.A. Life prediction for spillway facility sidewall. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.	Yangiev A.A., Ashrabov A., Muratov O.A. Life prediction for spillway facility sidewall. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.
9	Yangiev, A.A., Bakiev, M.R., Muratov, O.A., Choriev, J.M., Djabbarova, S. Service life of hydraulic structure reinforced concrete elements according to protective layer carbonization criteria Journal of Physics: Conference Series 1425(1).	Yangiev, A.A., Bakiev, M.R., Muratov, O.A., Choriev, J.M., Djabbarova, S. Service life of hydraulic structure reinforced concrete elements according to protective layer carbonization criteria Journal of Physics: Conference Series 1425(1).
10	Справочник проектировщика. Гидротехнические сооружения. Под ред. Недриги В.П. – Москва: Стройиздат, 1983. – 453 с.	<i>Spravochnik proektirovshchika Gidrotekhnicheskie sooruzheniya</i> [Hydraulic engineering constructions] Podred. Nedrighi V.P. Moscow, Stroyizdat, Publ, 1983. 453 p. (in Russian)
11	КМК 2.06.05-98. Плотины из грунтовых материалов. Госкомитет по архитектуре и строительству. – Ташкент, 1998. – 200 с.	KMK 2.06.05-98. <i>Plotiny iz gruntovykh materialov</i> [Dams from soil material]. Goskomitet po arxitektura i stroitel'stvu, Tashkent, Publ, 1998. 200 p. (in Russian)
12	КМК 2.02.02-98. Гидротехника иншоотларининг заминлари. – Тошкент. 1998. – 210 б.	KMK 2.02.02-98 <i>Gidrotekhnika inshootlarining zaminlari</i> [Bases hydraulic engineering a construction] Tashkent, Publ, 1998. 210 p. (in Uzbek)
13	Малик Л.К., Чрезвычайные ситуации, связанные с гидротехническим строительством // Гидротехническое строительство. – Москва, 2009. – № 12. – С. 1-16.	Malik L.K. <i>Chrezvychaynye situatsii, svyazannye s gidrotekhnicheskim stroitel'stvom</i> [The emergency situations connected]. Hydraulic engineering building. Publ, 2009. No 12. Pp 1-16. (in Russian)
14	Мирцхулава Ц.Е. «Надёжность гидромелиоративных сооружений». – Москва, 1974. – 366 с.	Mirtskhulava T.S.E. <i>Nalekhnost' gidromeliorativnykh sooruzheniy</i> [Reliability of hydromeliorative constructions] Moscow, Publ, 1974. 366 p. (in Russian)
15	Резников А.А., Муликовская Е.П., Соколов И.Ю. Методы анализа природных вод. – Москва: "Недра", 1970. – 488 с.	Reznikov A.A., Mulikovskaya E.P., Sokolov I.Yu. <i>Metody analiza prirodnykh vod</i> [Methods of the analysis of natural waters] Moscow, Publ, 1970, 488 p. (in Russian)
16	Бакиев М.Р., Турсунов Т.Н., Кавешников Н.Т. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. – Тошкент, 2008. – 460 б.	Bakiev M.R., Tursunov T.N., Kaveshnikov N.T. <i>Gidrotekhnika inshootlaridan foydalanish</i> [Operation hydraulic engineering a construction] Tashkent, Publ, 2008. 460 p. (in Uzbek)
17	Гольдберг В.М. Взаимосвязь за грязнения подземных вод и природной среды. – Ленинград: Гидрометеоздат, 1987. – 248 с.	Gol'dberg V.M. <i>Vzaymo svyaz' za gryazneniya podzemnykh vod i prirodnoy sredy</i> [Interrelation of pollution of underground waters and environment] Leningrad. Gidrometeoizdat, Publ, 1987. 248 p. (in Russian)
18	КМК 2.06.08-97 Гидротехника иншоотлари. Бетон ва темирбетон тuzilmalari. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. – Тошкент, 1998. – 78 б.	KMK 2.06.08-97 <i>Gidrotekhnika inshootlari. Beton va temirbeton tuzilmalari</i> [Hydraulic engineering constructions. Concrete and reinforced concrete structures] Uzbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qumitasi, Tashkent, Publ, 1998. 78 p. (in Uzbek)
19	КМК 2.07.02-97 Дарё ва сув омборларидаги гидротехника транспорти иншоотлари. – Тошкент, 1996. – 78 б.	KMK 2.07.02-97 <i>Daryo va suv omborlaridagi gidrotekhnika transporti inshootlari</i> [Hydroelectric transmission facilities in rivers and reservoirs] Tashkent, Publ, 1996. 78 p. (in Uzbek)
20	КМК 2.06.04-97. Гидротехника иншоотларида бўладиган юкланиш ва таъсирлар (тулқин, муз ва кемалар орқали). – Тошкент, 1998. – 89 б.	KMK 2.06.04-97 <i>Gidrotekhnika inshootlarida buladigan yuklanish va ta'sirlar (tu'lkin, muz, va kemalar orkali)</i> [Loads and effects in hydraulic structures (through waves, ice and ships)] Tashkent, Publ, 1998. 89 p. (in Uzbek)
21	Оценка качества воды по отношению к бетону Нормы и технические условия: Н 114-54 «Бетон гидротехнический. Признаки и нормы агрессивности воды-среды» http://www.meganorm.ru .	<i>Otsenki kachestva vody po otnesheniyu k betonu normy i tekhnicheski usloviyam: N 114-54 Beton gidrotekhnicheskiy. Priznaki i normy agressivnosti vody-sredy</i> [Concrete hydraulic engineering. Signs and norms of aggression of water-environment] http://www.meganorm.ru . (in Russian)
22	Yangiev, A., Eshev, S., Panjiev, S., Rakhimov, A. Calculation of sediment flow in channels taking into account passing and counter wind waves. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883(1),012036 2020.	Calculation of sediment flow in channels taking into account passing and counter wind waves. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883(1),012036 2020.
23	Choriev, J., Muratov, A., Yangiev, A., Muratov, O., Karshiev, R. Design method for reinforced concrete structure durability with the use of safety coefficient by service life period. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883(1),012024 2020	Design method for reinforced concrete structure durability with the use of safety coefficient by service life period. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883(1),012024 2020

УДК: 539.3

ИССЛЕДОВАНИЕ НАПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРОВАННОГО СОСТОЯНИЯ МНОГОСВЯЗНЫХ СЛОЖНЫХ ОБОЛОЧЕЧНЫХ КОНСТРУКЦИЙ

*Т.М.Мавланов - д.т.н., профессор, Ш.О.Худайназаров - к.т.н., доцент
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

Б.Ялгашев - к.ф-м.н., доцент

Ташкентский областной институт переподготовки и повышения квалификации народного образования

О.С.Нурова - старший преподаватель, Каршинский инженерно-экономический институт

Аннотация

Проведение численных экспериментов для сложных структурно-неоднородных конструкций позволяет понять качественную картину влияния различных параметров в широком диапазоне исследований и дать обоснованные рекомендации на стадии проектирования для проведения лабораторного модельного и натурального экспериментов. В работе на основе классической теории упругости приведены основные уравнения, характеризующие напряженно-деформированное состояние сложных многосвязных оболочечных конструкций и решена конкретная задача. При этом часть элементов конструкции обладает вязкоупругими свойствами. При решении задачи поведение конструкции для n -ой гармоники разложения внешних нагрузок в ряду Фурье по соответствующим координатам сведены к решению систем уравнений с комплексными коэффициентами. Разработан программный комплекс для решения задачи НДС многосвязных структурно-неоднородных оболочечных конструкций, позволяющих свести задачу расчета широкого класса машиностроительных конструкций к задачам автоматизированного проектирования.

Ключевые слова: напряженно-деформированное состояние, переменная толщина, многосвязность, ряды Фурье, неоднородность, составная оболочка, перемещение, деформация, вязкоупругость, момент, напряжение.

МУРАККАБ КЎП БОҒЛАНИШЛИ ҚОБИҚСИМОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯ ХОЛАТЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Т.М.Мавланов - т.ф.д., профессор, Ш.О.Худайназаров - т.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Б.Ялгашев - ф-м.ф.н., доцент

Тошкент вилоят Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

О.С.Нурова - катта ўқитувчи, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Аннотация

Мураккаб кўп боғланишли структуравий бир жинсли бўлмаган қобиқсимон конструкцияларни сонли усулларда ҳисоблаш кенг кўламли тадқиқотлар жараёнида конструкциянинг ҳар хил параметрлари таъсирларининг сифат жиҳатдан кенг таҳлил қилишга ва уларни лойиҳалаш жараёнида лаборатория модели ҳамда дала тажрибалари учун асосланган тавсиялар беришга имкон яратади. Мақолада классик эластиклик назарияси асосида мураккаб кўп боғланишли структуравий бир жинсли бўлмаган қобиқ конструкцияларининг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатларини ифодаловчи асосий тенгламалар келтирилган ва аниқ масала ечилган. Конструкциянинг маълум қисмлари қовушқоқ эластиклик хусусиятга эга. Масалани ечишда конструкциянинг ҳолати унинг n -гармоникаси учун тегишли координатадаги ташқи юқларнинг Фурье қаторига ёйилишида комплекс коэффициентли тенгламалар системасига келтирилган. Мураккаб кўп боғланишли қобиқ конструкцияларининг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатларини баҳолаш учун дастурий таъминот тўплами ишлаб чиқилган ва бу эса кўплаб машинасозлик конструкцияларини кучланганлик-деформацияланиш ҳолатларини автоматлаштирилган компьютер дастурлари ёрдамида баҳолаш имкониятини яратади.

Таянч сўзлар: кучланганлик-деформацияланиш ҳолати, ўзгарувчан қалинлик, кўп боғланишли, Фурье қаторлари, бир жинсли бўлмаган, қўшма қобиқ, кўчиш, деформация, эластик қовушқоқ, момент, кучланиш.

RESEARCH OF STRESS-DEFORMED STATE OF MULTI-CONNECTED COMPLEX SHELL STRUCTURES

T.M.Mavlanov- D.s.c., professor, Sh.O.Khudainazarov- PhD, associate professor

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

B. Yalgashev - PhD, associate professor, Tashkent regional institute for retraining and advanced training of public education

O.S.Nurova-senior lecturer, Karshi Engineering and Economic Institute

Abstract

Conducting numerical experiments for complex structurally inhomogeneous structures allows us to understand the qualitative picture of the effect of various parameters in a wide range of studies and to give sound recommendations at the design stage for conducting laboratory model and field experiments. In this paper, on the basis of the classical theory of elasticity, the basic equations characterizing the stress-strain state of complex multiply connected shell structures are given and a specific problem is solved. At the same time, some of the structural elements have viscoelastic properties. When solving the problem, the behavior of

the structure for the n -th harmonic of the expansion of external loads in the Fourier series along the corresponding coordinate is reduced to solving systems of equations with complex coefficients. A software package has been developed to solve the problem of the STRESS-DEFORMED STATE of multiply connected structurally inhomogeneous shell structures, which allows reducing the problem of calculating a wide class of machine-building structures to the problems of computer-aided design.

Key words: stress-strain state, variable thickness, multi-connectivity, Fourier series, inhomogeneity, compound shell, displacement, deformation, viscoelasticity, moment, stress.

Введение. Надежность работы инженерных сооружений в виде тонкостенных осесимметричных оболочечных конструкций зависит от правильного выбора расчетной модели конструкции и точного определения напряженно-деформированного состояния конструкций. Известно, что во многих расчетах не учитываются такие особенности, как реальная геометрия, конструктивные особенности, диссипативные свойства их материала, имеющие непосредственное влияние на значение напряженно-деформированного состояния. В том числе, объекты проектирования в различных областях машиностроения, в строительстве гидротехнических сооружений трудно описать в какой-то степени даже сложной комбинацией оболочечных конструкций, а актуальность решения этих задач конструирования, расчетов напряженно-деформированного состояния оболочечных конструкций требует решения поставленной задачи.

Для решения краевых задач теории оболочек, поведение которых можно описать системой обыкновенных дифференциальных уравнений первого порядка, эффективным оказался метод численного интегрирования (МЧИ), основанный на сведении краевой задачи к ряду задач Коши. В 1961 году С.К. Годунов [1] предложил МЧИ с ортонормированием решения в промежуточных точках, который в дальнейшем произвел скачок в решении краевых задач механики деформируемого твердого тела.

Метод ортогональной прогонки (МОП), несмотря на то, что является менее общим по сравнению с МКЭ, обладает существенно большей простотой, компактностью и гибкостью, дающими возможность оперативной перестройки программы при переходе к решению новых задач. Впервые для решения задач определения напряженно-деформированного состояния многосвязных структурно-неоднородных оболочек вращения метод был использован в работах Я.М. Григоренко и его учеников [2, 3]. В. И. Мяченков, А. Н. Фролов предложили использовать этот метод для решения задач устойчивости и колебаний оболочек вращения, а В. П. Мальцев, В. И. Мяченков и Т. Мавланов - для решения задач динамики оболочек вращения с реологическими свойствами [4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12].

Благодаря работам Я. М. Григоренко, В. И. Мяченкова, А. Н. Фролова, В. П. Мальцева, М. Мирсаидова, Т. З. Султанова и др. МКЭ был тщательно исследован и доведен до универсального вида, что позволило использовать его при решении самых разнообразных задач строительной механики и механики деформируемого твердого тела.

Несмотря на большие успехи, достигнутые в последнее время в этой области, остаются нерешенными еще очень многие проблемы. Особенно мало изученными являются задачи нестационарного взаимодействия структурно-неоднородных конструкций с упругими и вязкоупругими средами. С задачами подобного рода приходится сталкиваться при расчете на прочность различных подземных сооружений, конструктивными элементами которых являются пластины и оболочки. В частности, разработка численных методов расчета НДС оболочечных конструкций, а также алгоритм определения реакции кон-

струкций на произвольную нагрузку является актуальной задачей, решению которой посвящено настоящее исследование. Одним из достоинств предлагаемого метода является универсальность, заключающаяся в возможности получения решения для произвольной оболочки вращения переменной толщины или подкрепленной поперечным силовым набором.

Постановка задачи. Согласно [1], поведение конструкции для n -ой гармоники разложения внешних нагрузок в ряду Фурье по координате α_2 описывается системой N_s дифференциальных уравнений с комплексными коэффициентами:

$$y_p^1 = f^p(\alpha_1^p, n^p, y_p) + f_\omega^p(y_p) + \mathbb{P}_p(\alpha_1^p, \bar{n}^p) \quad (p = 1, \bar{N}_s) \quad (1)$$

и N_r дифференциально – алгебраических уравнений с комплексными коэффициентами:

$$[G_i]\Delta_i + [G_\omega]\Delta_i = \|\theta_i\|f_i + \sum_j \sum_s \xi_i^{ijs} [\varphi_i^{ijs}] Q_i^{ijs} + \sum_{j=s} \sum_s \xi_{ci}^{ijs} [\varphi_i^{ijs}] Q_{ci}^{ijs} \quad (i = 1, \dots, N_r). \quad (2)$$

После решения системы (1), (2) ($1, \dots, N_r$) определяются недостающие компоненты напряженно – деформированного состояния p -го оболочечного элемента

$$\theta_i, E_{11}, E_{(22)}, K_{11}, K_{(22)}, T_{22}, M_{(22)}, \theta_2, E_{12}, H. \quad (3)$$

Величины Q_{11} и S вычисляются по формулам

$$Q_{11} + y_2 - \bar{n}H: S = -2\kappa H$$

Деформации в точке, отстоящей на расстоянии Z от координатной поверхности вычисляются по формулам

$$\varepsilon_{ii}(Z) = E_{ii} + ZK_{ii}, \quad i=(1,2), \quad \varepsilon_{12}(Z) = E_{12} + ZK_{12} \quad (4)$$

Напряжения в этой точке вычисляются по формулам

$$\sigma_{11}(Z) = \frac{E_1^j}{1-\nu_1^j\nu_2^j} [\varepsilon_{11}(Z) + \bar{\nu}_2^j \varepsilon_{22}(Z)] \quad (1 \neq 2). \quad (5)$$

$$\sigma_{12}(Z) = \bar{G}^j \varepsilon_{12}(Z), \quad (6)$$

Недостающие компоненты напряженного - деформированного состояния i -го кольцевого элемента ε_k и Q_k вычисляются по формулам деформации точки с координатами x и z - по формуле

$$\varepsilon(x, z) = \varepsilon + x x_x + z x_z. \quad (7)$$

Напряжение в этой точке определяется по формуле

$$\sigma(x, z) = \bar{E} \varepsilon(x, z) \quad (8)$$

Суммирование по n позволяет определить напряженно – деформированное состояние всех элементов рассматриваемой структурно – неоднородной оболочечной конструкции для n членов разложения внешних нагрузок в ряды Фурье по окружной координате α_0 или по продольной координате α_0 . Решение системы (1) и (2) позволяет определить неизвестные y^p ($p=1, \dots, N_s$) и Δ_i ($i=1, \dots, N_r$), а следовательно, и все компоненты динамики и напряженно – деформированного состояния структурно – неоднородной оболочечной конструкции для n -й гармоники разложения внешних нагрузок в ряду Фурье по координате α_2 . суммирование по n позволяет определить полное напряженно – деформированное состояние конструкции. Целью данного исследования является определение напряженно-деформированного состояния на конкретном примере на основе численного анализа, позволяющего свести задачу расчета широкого класса машиностроительных конструкций к задачам автоматизированного проектирования.

Метод решения. Применение дискретно-континуальной расчетной схемы для оболочечных конструкций определяет основной метод решения задач тонкостенных осесимметричных конструкций. При численном решении краевых задач для систем линейных обыкновенных дифференциальных уравнений применяют метод ортогональной прогонки Годунова. Для определения перемещений узловых элементов использован метод перемещений в форме, предложенной А. В. Александровым. В отличие от МКЭ в стандартном виде Александров А. В. ввел понятия узловой линии и узлового элемента. Основное преимущество такого подхода состоит в том, что вместо большого числа узловых точек используется сравнительно небольшое их число. В результате существенно снижается порядок разрешающей системы линейных алгебраических уравнений для определения узловых перемещений.

Результаты. В качестве конкретного примера рассмотрена структурно-неоднородная осесимметричная конструкция, представляющая с собой двуполостной резервуар высокого давления, состоящий из 6 оболочечных и 6 узловых элементов (рис.1). Узлы под номерами №3, 5, 6 представляют собой круговые шпангоуты, поперечные сечения которых имеют прямоугольные формы с размером 0,04м x 0,06м, остальные геометрические размеры




Рис.1. Расчетная схема структурно-неоднородной осесимметричной конструкции

Таблица 1
Структура оболочечной конструкции

Номер обол. элемент	Связь с узлом		Тип элемента	эксцентриситет			
	начало	конец		X0	Z0	XL	ZL
1	1	3	1	0	0.001	-2	3.49
2	2	3	2	0	0.001	-2	-50
3	3	4	3	2	0.001	-2	0
4	4	5	5	2	0.001	0	0
5	4	6	4	2	0.001	0	0

Таблица 2
Геометрические характеристики оболочечных элементов

№ типа	Вид оболочечных элементов	координаты		(A)	Бета (B)	Число точек ортого
		начало	конец			
1	пластинка	0	100	3.5	0	20
2	сфера	2	30	100	100	20
3	цилиндр	0	100	100	90	20
4	цилиндр	0	100	100	90	20
5	сфера	90	178	100	100	20

приведены на рис.1. Узел № 6 конструкции зашцеилен, оболочечные элементы № 1,4,6, а также шпангоуты упругие ($E = 2 \cdot 10^{11}$ н/м²; $\nu = 0,3$; $\rho = 7,8 \cdot 10^2$ кг/см³).

Толщина всех оболочечных элементов постоянна и равна 0,01 м. Геометрические характеристики поперечных сечений шпангоутов:

3 узел, площадь $F = 24, J_{zz} = 32, J_{xx} = 72, J_{xz} = 0$.

4 узел, площадь $F = 24, J_{zz} = 32, J_{xx} = 72, J_{xz} = 0$.

Механические характеристики шпангоутов:

3 узел, площадь $E = 2000000, G = 0, RO = 0, ALPA = 0.000012$.

4 узел, площадь $E = 2000000, G = 0, RO = 0, ALPA = 0.000012$.

Исходные данные вводятся следующим образом.

Ввод исходных данных:

6 1 2 5 5 3 5 1 1 1 0 2 2 5 5 10 0.001 2E6 0.3 12E-6

– характеристики 6-го узла конструкции;

1 3 1 2 3 2 3 4 5 4 5 5 6 6 – порядок соединения оболочечных и узловых элементов;

1-1 2-1 5 5 1 6 1 1 0 0 0 0 0 – граничные условия 6-го узла, 6 узел зашцеилен.

3.49 3.49 100 100 3.49 100 – радиусы узлов;

0 100 1 3.49 0 0 2 30 2 100 100 0 – геометрические характеристики оболочечных элементов;

90 100 1 100 90 0 0 100 1 100 90 0 178 2 100 100 0 20 20 20 20 20 – геометрические характеристики сферической и цилиндрической оболочек;

2 2 1 1 2 2 1 1 1 1 3 24 32 72 0 0 2E6 0 0 12E-6

– геометрические характеристики шпангоутов 3, 4 – го узлов;

4 24 32 72 0 0 2E6 0 0 12E-6

0 0 -2 2 0 -2 3 2 -2 4 2 5 2 0 – нагрузки на оболочечные элементы;

3 0 100 0 4 0 100 0 – геометрические характеристики оболочечных элементов;

3 100 0 0 4 100 0 0 2 100 100 3 100 100 4 0 0 5 100 100 – нагрузки;

0 1 0 0 0 0 2 0 0 100 100 3 0 0 100 100 4 0 0 0 5 0 0 100 100 – нагрузки на оболочечные элементы;

В таблице 3 приведены результаты расчетов, полу-

Таблица 3
Результаты расчетов напряженно-деформированного состояния осесимметричных структурно-неоднородных оболочечных конструкций

Координата x	Обобщенные перемещения Y	Обобщенные усилия T	Деформация E11	Момент M11	Напряжения S
0	0.001966	3219	0.0006	161	1850
5	0.004782	3219	0.0007	168	1861
10	0.007595	3219	0.0007	180	1880
15	0.010408	3218	0.0007	199	1908
20	0.013215	3218	0.0007	226	1948
25	0.016014	3217	0.0007	261	2000
30	0.018803	3217	0.0007	306	2068
35	0.021576	3216	0.0008	363	2153
40	0.024323	3214	0.0008	435	2260
45	0.027033	3213	0.0009	525	2394
50	0.029685	3210	0.0009	637	2561
55	0.032251	3207	0.0010	776	2768
60	0.034686	3204	0.0011	949	3025
65	0.036920	3198	0.0013	1163	3343
70	0.038849	3191	0.0015	1427	3736
75	0.040314	3182	0.0017	1755	4223
80	0.041068	3169	0.0019	2159	4824
85	0.040738	3151	0.0023	2659	5564

ченное на основе объектно-ориентированной процедуры ASD0Z-алгоритм определения напряженно-деформированного состояния осесимметричных структурно-неоднородных оболочечных конструкций. Приведенные результаты соответствуют первой оболочке конструкции. Аналогично можно привести таблицы значений для остальных оболочечных элементов конструкции.

Выводы.

Получено, что достаточная точность вычисления матрицы практически достигается при числе точек ортогонализации $m=8$, а при $m=32$ и $m=64$ элементы матрицы совпадают во всех значащих цифрах. На основе численного анализа исследования определено напряженно-деформированное состояние на конкретном примере.

№	Литература	References
1	Мяченков В.И., Мальцев В. Методы и алгоритмы расчета пространственных конструкций на ЭВМ. – Москва: Машиностроение, 1984. – 278 с.	Myachenkov V.I. and Maltsev V. 1984 <i>Metody i algoritmy rascheta prostranstvennykh konstruksiy na EVM</i> [Methods and algorithms for calculating spatial structures on a computer] Engineerin. Moscow. 278 p. (in Russian)
2	Мальцев А.А., Мальцев В.П., Мяченков В.И. Динамика осесимметричных оболочечных конструкций. – В кн. Механика деформируемых систем. ГГУ, 1979. – С.150-158.	Maltsev A. A., Maltsev V. P. and Myachenkov V. I. <i>Dinamika osesimmetrichnykh obolochechnykh konstruksiy</i> [Dynamics of axisymmetric shell structures] In: Mechanics of deformable systems GSU. 1979. Pp. 150-158. (in Russian)
3	Мальцев Л.Е. Замена точного уравнения динамической задачи вязкоупругости «приближенным» // «Механика полимеров». – Москва, 1977. – №3. – С. 408-416.	Maltsev L.E <i>Zamena tochnogo uravneniya dinamicheskoy zadachi vyazkouprugosti «priblizhennym»</i> , «Mekhanika polimerov» [Replacing the exact equation of the dynamic problem of viscoelasticity with "approximate" one Mechanics of Polymers] 1977 No3. Pp. 408-416. (in Russian)
4	Ильюшин А.А., Победря Б. Основы математической теории термовязкоупругости. – Москва: Наука, 1970. – 280 с.	Ilyushin A.A. Pobedrya B. <i>Osnovy matematicheskoy teorii termovyazkouprugosti</i> . [Fundamentals of the mathematical theory of thermoviscoelasticity] Moscow: Nauka. 1970. 280 p. (in Russian)
5	Koltunov M A, Mirsaidov M and Troyanovsky I E. Transient vibrations of axisymmetric viscoelastic shells Polymer Mechanics 1978 14(2) Pp. 233-238	Koltunov M A, Mirsaidov M and Troyanovsky I E. Transient vibrations of axisymmetric viscoelastic shells Polymer Mechanics 1978 14(2) Pp. 233-238
6	Arnold R.N., Warburton G.B. Flexural vibrations of the walls of thin cylindrical shells having freely supported ends., Proc. Roy.Soc., vol 197A, n.1049, 1949.	Arnold R.N., Warburton G.B. Flexural vibrations of the walls of thin cylindrical shells having freely supported ends., Proc. Roy. Soc., vol 197A, n.1049, 1949.
7	Weingarten V.I. Free vibration of thin cylindrical shells., AIAA Journal, vol 2, No 4, 1964.	Weingarten V.I. Free vibration of thin cylindrical shells., AIAA Journal, vol 2, No 4, 1964.
8	Григоренко Я.М. Беспалова Е.И. Численное решение краевых задач статики ортотропных слоистых оболочек вращения на ЭВМ типа М-220. Метод. пособие. - Киев: Наукова думка. 1971. – 151 с.	Grigorenko Ya.M. Беспалова Е.И. <i>Chislennoye resheniye krayevykh zadach statiki ortotropnykh sloistykh obolochek vrashcheniya na EVM tipa M-220</i> [Numerical solution of boundary value problems of statics of orthotropic layered shells of revolution on an M-220 computer]. Method. allowance. Kiev: Naukova Dumka. Pp. 1971-151. (in Russian)
9	Григоренко Я.М., Китайгородский А.Б., Семенова В.В., Судацова Г.К., Шинкарь А.И. Расчет ортотропных слоистых оболочек вращения с переменными жесткостями на ЕС ЭВМ. - Киев: Наукова думка, 1980. – 102 с.	Grigorenko Ya.M., Kitaygorodsky A.B., Semenova V.V., Sudavtsova G.K., Shinkar A.I. <i>Raschet ortotropnykh sloistykh obolochek vrashcheniya s peremennymi zhestkostyami na YES EVM</i> [Calculation of orthotropic layered shells of revolution with variable stiffness on an ES computer]. Kiev: Naukova Dumka, 1980. 102 p. (in Russian)
10	Григоренко Я.М., Василенко А.Т. Методы расчета оболочек. Т.4, Теория оболочек переменной жесткости. - Киев: Наукова думка, 1981. – 543 с.	Grigorenko Ya.M., Vasilenko A.T. <i>Teoriya obolochek peremennoy zhestkosti</i> [Methods for calculating shells]. V.4, Theory of shells of variable stiffness. Kiev: Naukova Dumka, 1981. 543 p. (in Russian)
Диверсификация мавжуд экинлар тизимига кўпроқ экинлар қўшилиши ва фермер хўжалиklarининг даромадларини кўпайтириш ва хўжаликлар даражасида хатарларни бошқариш амалиётини минималлаштириш билан изоҳланади ва экинларни диверсификация қилиш сув танқислиги, қурғоқчилик ва шўрланиш каби муаммолар билан курашиш учун самарали стратегия ҳисобланади.

Бундан ташқари, пахта ва ғалла етиштиришни юмшатиш экинларни диверсификацияси ва фермер хўжаликлари даромадларини оширади [14].

Бундан ташқари, Ўзбекистонда экинлар диверсификация бўйича кенг ва узоқ йилларга асосланган кенг қамровли тадқиқотлар ҳалигача етарли эмас ва асосан тахминий сценарийлар ва кўп сенсорли масофадан зондлаш маълумотлари натижаларига асосланган тадқиқотларга асосланган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича чекланган тадқиқотлар олиб борилган [14, 17]. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида фермер хўжаликлари даражасида экинларнинг диверсификация ҳолати ва даражаси бўйича бирон-бир тадқиқот олиб борилмаган ёки қўшимча равишда тўлиқ тушунча беришга ҳаракат қилинмаган. Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқот иши кўп йиллик статистик маълумотларга асосланган таҳлилни ўз ичига олганлиги билан муҳим саналади [18].

Ечиш усули (ёки услублари). Тадқиқот жараёнида 2009-2017 йиллар учун тўпланган статистик маълумотлардан ва уларни эконометрик таҳлил қилишда Симпсон индекси (Simpson Diversification Index - SID) моделидан фойдаланилди. Ушбу маълумотларни таҳлил қилишда Стата-16 (Stata-16) статистик дастурий таъминотидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Симпсон индекси (SDI) хориж [19, 20, 21] ва ўзбек олимлари [17, 14] нинг тадқиқотларига асосан қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$SID = 1 - \sum_{i=1}^n P_i^2 \quad (1)$$

$$P_i = \frac{A_i}{\sum_{i=1}^n A_i} \quad (2)$$

бу ерда: A_i - ҳар бир қишлоқ хўжалиги экинларининг майдони P_i - қишлоқ хўжалиги экинларнинг умумий майдони.

Диверсификация индекси 0 ва 1 қийматлари оралиғида кўриб чиқилади. Агар индекс 1 қийматга яқин даражада ифодаланса тўлиқ диверсификацияни, аксинча 0 қийматга яқин даражада ифодаланса монокультуранинг ёки тўлиқ битта экин турига ихтисослашганлигини кўрсатади [19]. Тадқиқот ишида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун тўққиз йил давомида (2009–2017 йиллар) экилган қишлоқ хўжалик экинларидан фойдаланилди. Ушбу экинларга дон (арпа, гуруч, буғдой), дуккакдилар (ловия ва дуккакли), картошка, зираворлар, сабзавотлар ва бошқа техник экинлар киради. Мавжуд адабиётлар таҳлили асосида экинлар диверсификацияси даражаси 1-жадвалда кўрсатилганидек таснифланган [20].

1-жадвал

Қиймат бўйича экинлар диверсификациясининг тоифаланиши

Тоифалари	SID қиймати
Диверсификация қилинмаган	≤ 0.01
Паст даражадаги диверсификация	0.01 - 0.25
Ўрта даражадаги диверсификация	0.26 - 0.50
Юқори даражадаги диверсификация	0.51 - 0.75
Жуда юқори даражадаги диверсификация	> 0.75

Стата-16 (Stata-16) статистик дастурий таъминотида Симпсон индекси (SID) моделидан фойдаланган ҳолда вилоятлар кесимида тўққиз йиллик қишлоқ хўжалиги экинлари маълумотлари орқали диверсификация индекси моделлаштирилиб ҳисоблаб чиқилди ва вилоятлар бўйича тоифаларга ажратилди.

Натижалар таҳлили ва мисоллар. Стата-16 (Stata-16) статистик дастурий таъминотида олинган натижаларга асосланиб шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида берилган тўққиз йил ҳисобига ўртача диверсификация кўрсаткичи бошқа вилоятларга кўра юқорироқ эканлигини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Диверсификация индексининг ўртача статистик тавсифи


Худудлар	Кузатувлар сони, йиллар	Стандарт оғиши	Минимум	Ўрта-си	Максимум
Андижон	2009-2017	0.02	0.64	0.69	0.70
Бухоро	2009-2017	0.01	0.63	0.64	0.66
Жиззах	2009-2017	0.02	0.68	0.71	0.73
Фарғона	2009-2017	0.03	0.69	0.74	0.77
Қорақалпоғистон	2009-2017	0.04	0.62	0.69	0.73
Қашқадарё	2009-2017	0.03	0.64	0.69	0.72
Хоразм	2009-2017	0.01	0.67	0.70	0.71
Наманган	2009-2017	0.02	0.69	0.73	0.75
Навоий	2009-2017	0.05	0.64	0.68	0.73
Самарқанд	2009-2017	0.03	0.70	0.74	0.76
Сирдарё	2009-2017	0.05	0.58	0.64	0.69
Сурхондарё	2009-2017	0.03	0.65	0.69	0.73
Тошкент	2009-2017	0.01	0.74	0.76	0.77

Бунда ушбу вилоятларда давлат буюртмаси асосида етиштирилаётган пахта ва буғдой ҳамда бошқа турдаги экин турлари ҳам нисбатан кўпроқ майдонларда фермерлар томонидан етиштирилган. Олинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, диверсификация кўрсаткичи пастлиги жиҳатдан Бухоро ва Сирдарё вилоятлари бошқа вилоятларга нисбатан пастроқ кўрсаткични кўрсатмоқда.



2-расм. Вилоятлар кесимида диверсификация индексининг ўртача кўрсаткичи

2009-2013 йиллар давомида вилоятларда кўпроқ стратегик экинлар, яъни пахта ва ғалла экинларини етиштириш давом эттирилди [9]. Бу эса ўз навбатида ўзгариб турувчи иқлим аниқ бир меъёрга эга бўлмаган ёғинлар, совуқ қиш ва ёзнинг қуруқ иссиғида ушбу экинлар ҳосилдорлигининг бир маромда ошишига салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига таъсир этувчи омиллардан яна бири бу – сувдан оқилона фойдаланилмаслиқдир [18]. Ирригация тармоқларидан самарали фойдаланишнинг нисбатан пастлиги ва катта ҳажмдаги



3-расм. Вилоятлар кесимида диверсификация индексининг ўсиш динамикаси

ирригация тизимларининг ишламаслиги ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига, сувдан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда [5]. Бунинг олдини олиш мақсадида сувни бошқариш ва ундан самарали равишда фойдаланган ҳолда амалга оширилиши, асосий экинлар учун озуқа элементлари ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ва экинлар хилма-хиллиги (экинлар диверсификацияси) бўйича қилинадиган ишларнинг биргаликда олиб борилиши экинлар ҳосилдорлигини маълум даражада ошишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ғўза ва кузги буғдой майдонлари 220 минг гектарга қисқартирилиши ва улардан бўшаган ерларга сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари ва интенсив типдаги мевали дарахтларни жойлаштириш диверсификация кўрсаткичининг яхшилинишига ҳамда фермер хўжалиқларига қўшимча даромадлар олиш имкониятларини яратилишига ва экспортбоп экин турларининг кўпайишига олиб келди [14]. Бу эса фермер хўжалиқларининг самарадорлигини бир неча баробар ошишига, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса. Экинларни диверсификация қилиш фермер хўжалиқларининг даромадларини оширишнинг ҳамда

мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашнинг асосий потенциал стратегияси ҳисобланади. Эмпирик таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида берилган тўққиз йил ҳисобига ўртача диверсификация индекси (мос равишда 0,76, 0,74 ва 0,74) эканлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар бошқа вилоятларга кўра юқори оқим эканлигини ва ушбу вилоятларда фақатгина давлат буюртмаси асосида етиштирилган ғалла ва пахта экин турларига эмас бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳам фермер хўжалиқлари томонидан етиштирилганлигини кўриш мумкин. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида (мос равишда 0,64 ва 0,64) эса бошқа вилоятларга нисбатан диверсификация индексини пастроқ кўрсаткичда эканлигини кўриш мумкин. Экинларни диверсификациялаш фермер хўжалиқларини нарх ва ишлаб чиқариш хатарларини бошқаришда ёрдам беради, бу эса ортиқча маҳсулотларни сотиш орқали даромадларини оширишга ва кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиқлари даромадларини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида экинларни диверсификациялашни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, экинларни диверсификация қилиш фермерларга ўз хўжалиқларида турли хил экин турларини тўғри танлаш ва етиштиришни яхшилашга ёрдам беради. Шу билан бирга, экинларни диверсификациялаш ишчи кучидан самарали фойдаланишга ҳам ёрдам бериши мумкин.

№	Адабиётлар	References
1	World Bank, 2020. Agriculture modernization in Uzbekistan. https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2020/03/20/world-bank-to-provide-further-support-to-modernization-of-uzbekistans-agriculture-sector	World Bank, 2020. Agriculture modernization in Uzbekistan. https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2020/03/20/world-bank-to-provide-further-support-to-modernization-of-uzbekistans-agriculture-sector
2	FAO (2017). "Country programming framework for the Republic of Uzbekistan 2014-2017"	FAO (2017). "Country programming framework for the Republic of Uzbekistan 2014-2017"
3	Барқарор қишлоқ хўжалиги амалиёти учун агротехнологик йўналишлар. https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/09/qx/	<i>Barkaror kishlok khuzhaligi amaliyoti uchun agrotekhnologik yunalishlar</i> [Agrotechnological directions for sustainable agricultural practice] https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/09/qx/ (in Uzbek)
4	Каримов И. Бош мақсадимиз-иктисодийотимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришди номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент, 2016. – Б.113-114.	Karimov I. <i>Bosh maksadimiz-iktisodiyotimizda olib borayotgan islohotlarni va tarkibiy uzgarishlarni keskin chukurlashtirish, khususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka keng yul ochib berishdir nomli ma'ruzasini urganish buyicha ilmiy-omgabop risola</i> [Our main goal is to sharply deepen the reforms and structural changes in our economy, to open the way for private property, small business and entrepreneurship]. Tashkent, 2016, Pp.113-114. (in Uzbek)

5	Djumaboev K, Hamidov A, Anarbekov O, Gafurov Z and Tussupova K. 2017. Impact of Institutional Change on Irrigation Management: A Case Study from Southern Uzbekistan. <i>Water</i> , 9(6), 419 p.	Djumaboev K, Hamidov A, Anarbekov O, Gafurov Z and Tussupova K. 2017. Impact of Institutional Change on Irrigation Management: A Case Study from Southern Uzbekistan. <i>Water</i> , 9(6), 419 p.
6	Misirova S. A. Systematic Types of Fungi of Allocated and Determined Types from Decorative Flowers in Conditions Region Tashkent. 2015. <i>Agricultural Sciences</i> , 06, Pp. 1387-1392.	Misirova S. A. Systematic Types of Fungi of Allocated and Determined Types from Decorative Flowers in Conditions Region Tashkent. 2015. <i>Agricultural Sciences</i> , 06, Pp. 1387-1392.
7	Zorya, S., Djanibekov, N., Petrick, M. (2019): Farm Restructuring in Uzbekistan: How Did It Go and What is Next? Washington, D.C.: World Bank Group. Tashkent	Zorya, S., Djanibekov, N., Petrick, M. (2019): Farm Restructuring in Uzbekistan: How Did It Go and What is Next? Washington, D.C.: World Bank Group. Tashkent
8	Djanibekov, U., Van Assche, K., Boezeman, D., Djanibekov, N. Understanding contracts in evolving agro-economies: Farmers, dehqans and networks in Khorezm, Uzbekistan. (2013): <i>Journal of Rural Studies</i> 32, Pp.137-147.	Djanibekov, U., Van Assche, K., Boezeman, D., Djanibekov, N. Understanding contracts in evolving agro-economies: Farmers, dehqans and networks in Khorezm, Uzbekistan. (2013): <i>Journal of Rural Studies</i> 32, Pp. 137-147.
9	Hasanov, Sh. Agricultural policies to enhance the development of fruit and vegetable subsectors in Uzbekistan. <i>European Scientific Journal</i> , 2016. vol. 12 (13), May.	Hasanov, Sh. Agricultural policies to enhance the development of fruit and vegetable subsectors in Uzbekistan. 2016. <i>European Scientific Journal</i> , vol. 12 (13), May.
10	Sanaev, G., Kim K. Analysis of Technical Efficiency of Tomato Production in Samarkand region, 2017. Uzbekistan. <i>JRSD-26</i> , Pp. 247-271	Sanaev, G., Kim K. Analysis of Technical Efficiency of Tomato Production in Samarkand region. 2017. Uzbekistan. <i>JRSD-26</i> , Pp. 247-271
11	Karimov, A. Productive Efficiency of Potato and Melon Growing Farms in Uzbekistan: A Two Stage Double Bootstrap Data Envelopment Analysis. <i>Agriculture</i> 2013, 3, Pp. 503-515.	Karimov, A. Productive Efficiency of Potato and Melon Growing Farms in Uzbekistan: A Two Stage Double Bootstrap Data Envelopment Analysis. <i>Agriculture</i> 2013, 3, Pp. 503-515.
12	Petrick, Martin; Djanibekov, Nodir Ўзбекистонда фермер хўжаликлари реструктуризацияси: Истикболдаги вазифалар, IAMO Policy Brief, No. 36u, ISBN 978-3-95992-076-6, Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (IAMO), (2019): Halle (Saale).	Petrick, Martin; Djanibekov, Nodir <i>Uzbekistonda fermer khuzhaliklari restrukturizatsiyasi: Istikboldagi vazifalar</i> [Restructuring of farms in Uzbekistan: Prospects] IAMO Policy Brief, No. 36u, ISBN 978-3-95992-076-6, Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (IAMO), (2019): Halle (Saale).
13	Lazikova, J., Bandlerova, A., Rumanovska, L., Takac, I., Lazikova, Z. (2019): Crop Diversity and Common Agricultural Policy - The Case of Slovakia. <i>Sustainability</i> , March 2019, 11(5):1416. doi.org/10.3390/su11051416	Lazikova, J., Bandlerova, A., Rumanovska, L., Takac, I., Lazikova, Z. (2019): Crop Diversity and Common Agricultural Policy - The Case of Slovakia. <i>Sustainability</i> , March 2019, 11(5):1416. doi.org/10.3390/su11051416
14	Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdeki, J., Ruzimov, J., & Martius, C. Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. (2013). <i>Agroecology and Sustainable Food Systems</i> , 37(7), Pp. 788-811. doi.org/10.1080/21683565.2013.775539.	Bobojonov, I., Lamers, J. P. A., Bekchanov, M., Djanibekov, N., Franz-Vasdeki, J., Ruzimov, J., & Martius, C. Options and constraints for crop diversification: A case study in sustainable agriculture in Uzbekistan. (2013). <i>Agroecology and Sustainable Food Systems</i> , 37(7), Pp. 788-811. doi.org/10.1080/21683565.2013.775539.
15	Saraswati, P., Bhat, A. (2011): Crop Diversification in Karnataka: An Economic Analysis. <i>Agricultural Economics Research Review</i> Vol. 24 December 2011, Pp. 351-357.	Saraswati, P., Bhat, A. (2011): Crop Diversification in Karnataka: An Economic Analysis. <i>Agricultural Economics Research Review</i> Vol. 24 December 2011, Pp. 351-357.
16	Dagar, V., Jit, P., Bhattacharjee, M., Lochav, M. An analysis of income from crop diversification in Haryana. <i>Indian Journal of Economics and Development</i> . Vol 6 (11), November 2018.	Dagar, V., Jit, P., Bhattacharjee, M., Lochav, M. An analysis of income from crop diversification in Haryana. <i>Indian Journal of Economics and Development</i> . Vol 6 (11), November 2018.
17	Conrad, C., Löw, F., Lamers, J.P.A. Mapping and assessing crop diversity in the irrigated Fergana Valley, Uzbekistan. 2017. <i>Appl. Geogr.</i> 86, Pp.102–117.	Conrad, C., Löw, F., Lamers, J.P.A. Mapping and assessing crop diversity in the irrigated Fergana Valley, Uzbekistan. 2017. <i>Appl. Geogr.</i> 86, Pp.102–117.
18	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги №ПҚ-2694 сонли қарори. Тошкент	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 23 dekabrdaги №PQ-2694 sonli qarori</i> [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 23, 2016 No. PP-2694]. Tashkent. (in Uzbek)
19	Simpson, E. H. Measurement of diversity. (1949). <i>Nature</i> , 163, 688 p.	Simpson, E. H. Measurement of diversity. (1949). <i>Nature</i> , 163, 688 p.
20	Aheibam, Monika, Ram Singh, S. M. Feroze, N. Uttam Singh, R. J. Singh, and A. K. Singh. 2017. "Identifying the Determinants and Extent of Crop Diversification at Household Level: An Evidence from Ukhrul District, Manipur." <i>Economic Affairs</i> 62(1): 89 p.	Aheibam, Monika, Ram Singh, S. M. Feroze, N. Uttam Singh, R. J. Singh, and A. K. Singh. 2017. "Identifying the Determinants and Extent of Crop Diversification at Household Level: An Evidence from Ukhrul District, Manipur." <i>Economic Affairs</i> 62(1): 89 p.
21	Ahmadzai, H. "Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan". School of Economics, University of Nottingham, (2018). <i>CREDIT Research Paper</i> 17/07.	Ahmadzai, H. "Status, Patterns, and Microeconomic Drivers of the Extent of Diversity in Crop Production: Evidence from Afghanistan". School of Economics, University of Nottingham, (2018). <i>CREDIT Research Paper</i> 17/07.

УЎТ: 622.79:622

ГИДРОТЕХНИК ИНШОТЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШДА ГРАФИК ДАСТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

У.А.Насритдинова - PhD, доцент, А.М.Ходжаев, З.И.Қаюмова - магистрантлар
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада гидротехник иншоотларнинг лойиҳалашда ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган олимлар ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича лойиҳалаш дастурларининг имкониятларидан фойдаланилди. Ушбу дастурларда лойиҳалаш орқали амалий масалалар энг юқори аниқликда бажарилади. "Гидротехника иншоотлари" фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш ва гидротехник иншоотлардан тўғри чиқиқли аппарател майдонча, эгри чиқиқли аппарател майдончани лойиҳалашда AutoCad график дастуридан фойдаланиш 2D текисликда ва 3D уч ўлчамли моделлаштириш самарадорлиги келтирилган.

Таянч сўзлар: гидротехник иншоотлар, аппарател майдонча, эгри чиқиқли аппарател майдонча, кювет, нишаб текисликлари, айланиш ўқи, топографик сирт, 3D модель, 2D модель.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ГРАФИЧЕСКОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРИ ПРОЕКТИРОВАНИИ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЙ

У.А.Насритдинова - PhD, доцент, А.М.Ходжаев, З.И.Қаюмова - магистранты
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье изучены работы ученых, занимающихся исследованиями в области проектирования гидротехнических сооружений. Используются возможности дизайнерских программ по применению результатов научных исследований в учебном процессе. Благодаря дизайну в этих программах практические задачи выполняются с максимальной точностью. Использование компьютерных технологий в преподавании предмета «Гидротехнические сооружения» и использование графического программного обеспечения AutoCAD при проектировании линейных платформ, изогнутых платформ гидротехнических сооружений показано в 2D и 3D трехмерном моделировании.

Ключевые слова: гидротехнические сооружения, платформа, изогнутая платформа, кювет, наклонные плоскости, ось вращения, топографическая поверхность, 3D модель, 2D модель.

EFFICIENCY OF USING GRAPHIC SOFTWARE IN THE DESIGN OF HYDROTECHNICAL STRUCTURES

U.A.Nasritdinova - PhD, associate professor, A.M.Khodjaev, Z.I.Kayumova - master degree
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article examines the work of scientists engaged in research in this area in the design of hydrotechnic structures. The possibilities of design programs for the application of the results of scientific research in the educational process were used. Thanks to the design in these programs, practical tasks are carried out with the utmost precision. The use of computer technology in teaching the subject "Hydrotechnical structures" and the use of graphic software AutoCAD in the design of linear platforms for clothing, curved platforms for clothing from hydrotechnical structures are shown in 2D and 3D three-dimensional modeling.

Key words: hydro technical structures, apparel platform, curved apparel platform, ditch, slope planes, axis of rotation, topographic surface, 3D model, 2D model.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли жабҳаларида ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш натижасида фан ва ишлаб чиқариш соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан олий таълим муассасаларида деярли барча фанлар компьютер технологияларидан фойдаланиб олиб борилмоқда. Бу эса талабаларга фанни чуқур ўзлаштиришларига ёрдам берибгина қолмай, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб ижодий фаолият олиб боришларига ҳам шароит яратди.

Барчамизга маълумки, сув хўжалиги ва мелиорация соҳаси республикамизнинг иқтисодий юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис республикамизда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, гидротехника иншоотларини ишлатишни тўғри йўлга қўйиш ҳамда йирик

гидромелиоратив иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш, уларнинг шўрланиш ва ботқоқланишига, суғориш сувини сув манбаидан далаларгача етказиб берувчи суғориш тармоқларида ҳамда суғориш жараёнида сувнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўймастик каби муаммоларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида" каби қатор қонун ҳужжатлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Гидротехника – техника фанларининг бир соҳаси бўлиб, сув ресурслари (дарё, кўл, денгиз, океан, ер ости ва

атмосфера сувлари) дан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва сув келтирадиган зарарларга қарши курашиш ҳамда шу мақсадлар учун ишлатиладиган гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва куриш масалалари билан шуғулланадиган фандир [1, 2, 3, 4].

Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш ва улар устида илмий изланишлар олиб борган бир қатор олимлар жумладан, М.Бакиев, И.Мажидов, И.Леви, Р.Хўжақулов, Б.Носиров, М.Раҳматовлар каналдаги иншоотлар ва иншоотлар бўғинларини лойиҳалаш, сув олиш иншоотлари, тўғонлар, тўғонсиз сув олиш иншоотлари ва бошқа гидротехник иншоотлар устида тадқиқотлар олиб бориб, уларнинг вазифаси, ишлаш жараёнини тадқиқ этишган.

Бугунги кунда юқорида келтирилган олимлар томонидан яратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар бўлажак ушбу соҳа мутахассисларига соҳани ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо шу билан бир қаторда талабаларга фанни қизиқарли ва тушунарли тарзда етказишда компьютер технологияларидан фойдаланиш бугунги куннинг зарур эҳтиёжига айланди [5].

Маълумки, “Гидротехника иншоотлари” фани 5580700 - Гидротехника қурилиши», 5650200 - “Сув хўжалиги ва мелиорация”, 5650700 - «Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш», 5650300 - “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш» 5650500 - “Сув хўжалигида мелиоратив, транспорт машиналари ва қурilmаларидан фойдаланиш, уларга сервис хизмат кўрсатиш”, 5650600 - “Суғориладиган ерларда мелиоратив тизим» 5650800 - “Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш» бакалавриат йўналишлари ҳамда тегишли касбий таълим йўналишлари ва 5А580701 - “Гидротехника иншоотлари”, 5А580705 - “Селга қарши ва ростлаш иншоотлари» 5А620205 - “Гидротехника ва мелиоратив қурилиш” йўналишларида ўқитилади. Ўқув жараёнида, фанни таркибидаги гидротехник иншоотлар тўғрисида талабаларга маълумот бериш билан бир қаторда, уларни чизма ва схемалар орқали тасвирлаш муҳим аҳамият касб этади. Талабалар фанни ўрганиш жараёнида фанга оид бўлган барча асосий тушунчалар ҳақида маълумотга эга бўлишлари билан биргаликда уларни замонавий график дастур имкониятларидан фойдаланиб лойиҳалашни амалга ошириш малакасига эга бўлишлари талаб этилади. Бу эса уларни келажакда етук мутахассис бўлишларининг гарови бўлиб хизмат қилади [6, 7]. Шунинг учун ҳам “Гидротехника иншоотлари” фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

- фан бўйича асосий тушунчаларни етказишда кўргазмалilikка эътибор бериш;

- талабаларнинг фанга нисбатан қизиқишини аниқлаш ва билимини назорат қилишда автоматлашган дастурий тизимлардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- амалий ва лаборатория машғулотларида фан бўйича дастурий педагогик воситалардан фойдаланиш (масалан: мавзуга оид гидротехник иншоотлардан бирини куриш жараёни акс эттирилган видео ва ва анимацион тасвирли роликлардан фойдаланиш);


- талабаларда гидротехник иншоотлар тўғрисидаги фазовий тасаввурни шакллантиришда AutoCAD дастурининг 2D ва 3D имкониятларидан фойдаланиш.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, гидротехник иншоотларни лойиҳалашда AutoCAD график дастуридан фойдаланиш, лойиҳалаш жараёни сифатли бўлишини ва вақтдан унумли фойдаланиш имкониятини беради. Масалан, Ўзбекистонда гидротехник иншоотларнинг жуда кенг тарқалган турларидан бири тупроқ


тўғонлардир [8]. Уларни лойиҳалашда талабалар тўғоннинг яққол кўринишини тасаввур этиши лозим. Бунинг учун аввало унинг учта кўринишини “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани қонун қоидалари асосида AutoCAD график дастурида тўғри ва аниқ бажара олиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки тўғоннинг 2D кўринишини тасаввур эта олган талаба унинг фазовий кўриниши ҳақида тушунчага эга бўлади [9].

Берилган: топографик сирт горизонтал чизиклар ва уларнинг сон белгилари орқали тасвирланган. Шу сиртда тўртбурчак шаклда майдонча куриш учун тупроқ тўкиладиган ва кавлаб олинадиган жойлар ҳамда нишаб текисликларининг кесишув чизиклари ясалсин ва тупроқ ишлари чегараси аниқлансин. Майдонча баландлиги 44,0 м, тупроқ тўкиладиган ва кавлаб олинадиган жойнинг қиялиги $i=1:5$, тўкиш қиялиги эса $i=1:1$ га тенг.

График топшириқни бажариш тартиби: дастлаб чизма билан танишиб чиқилади. О-иш чизиғи (2017-горизонтал), тупроқ казиш (1:1) ва тўкиш қиялиғи (1:1) ҳамда аппарат қиялиғи (1:5), унинг қайси томонга пасайиб бориши (стрелка билан кўрсатилган), чизикли масштаб аниқланиб олинади (1-расм). Расмда иштирок этаётган ер горизонталларининг энг пастдагиси, 2008-горизонтални О билан




1-расм. Аппарель қиялигининг чизикли масштаби




2-расм. Аппарель қиялиғи горизонтал чизиклари координаталари

ли баландликка кўтариш учун «Move» буйруғидан фойдаланилади. Мисол учун, буйруқ берилгач 20-баландликка кўтариладиган горизонтал белгиланади, розилик берилади, база нуқтаи сифатида 0,0,0 киритилади, розилик берилади, кейинги нуқта сифатида 0,0,20 координаталари киритилади ва ҳоказо (3-расм). “По сечениям” буйруғи билан ер горизонталлари бирин кетин кўрсатилади, тасдиқланади ва яна бир бор розилик берилади. Натижада 4-расмдаги сирт ҳосил бўлади.



3-расм. Аппарель қиялиғи горизонтал чизикларини чизиш



4-расм. Ер горизонталлари асосида яратилган сирт


белгилаб, кейингиларини 1 метрдан, масштаб 1:200 бўлгани учун 5 мм. дан қилиб ўсиб бориш тартибида белгилаб чиқилади (2-расм).

Ҳар бир горизонтални керак-


Майдонча контури полилиния билан юргизиб чиқилади, буйруқни «Замкнуть» подкомандаси билан тугатиш мақсадга мувофиқ. «Подобие» (баъзи версияларда «Смешение» буйруғи билан майдон контури 5 мм ташқарига сурилади. Энг юқори горизонтал 0-иш чизигидан 5 м баландда бўлгани учун кюветнинг ташқи кон-

турини яна шу буйруқ билан 25 мм ташқарига чиқарилади (5-расм) [10,11].


«Сдвиг» буйруғини ишга солиб ҳосил қилинган чизик 25 мм га кўтарилади. Буйруқ; объект; киритиш; 0,0,0 киритиш; 0,0,25 киритиш. Яна «По сечениям» буйруғи ишга туширилиб иккала ёпиқ чизик кўрсатилади ва розилик берилиб тупроқ қазиш ишларини белгилловчи сирт ҳосил қилинади (6-расм). Аппарелнинг кўндаланг кесими ҳосил қилинади. Ёнбағир текисликларининг қиялиги 1:1 бўлгани, чизик қиялигини 45° қилиб олиш кераклигини кўрса-



5-расм. Кювет майдонча




6-расм. Тупроқ қазиш ишлари учун сирт



7-расм. Аппарель кўндаланг кесими

тади. Берилган вариантда у тенг ёнли трапеция кўринишида чиқади (7-расм). «Сдвиг» буйруғи ёрдамида трапеция аппаратли ўқи бўйлаб ҳаракатлантирилади. Натижада 8-расм, пастдаги сирт ҳосил бўлади. Аппарель қиялиги 1:5 бўлиб, уни градусга айлантирилса 11,31° келиб чиқади (9-расм). Демак аппаратлини у ўқ атрофида 11,31° га айлантирилади. Агар айланиш ўқи перпендикуляр қилиб олинса, буриш янада осонлашади. Ишланаётган вариантда айланиш ўқи у билан параллел бўлгани




8-расм. Аппарель ва майдон


боис кўринишни «Спреди» қилиб олиш мумкин [12,13].

Аппарелни қурилиш майдончасига бирлаштиришда 10-расмда кўрсатилгандек объектга боғланишнинг «Орто» маркеридан фойдаланиш маъқул. Шундай қилиб объектлар 11-расмдаги кўринишга келади. Топографик сиртни жисмга айлантириш учун қуйидаги алгоритм таклиф қилинади:


1. х ва у қийматлари топографик сиртдан чиқиб кетмайдиган ва баландлиги топографик сиртдан юқорироқда бўлган параллелолипед, «Яшик» ҳосил қилинади (12-расм).
2. «Разрез» буйруғини бериб яшик кўрсатилади, тасдиқ




9-расм. Аппарель қиялигининг бурчаги



10-расм. Аппарель қиялигининг майдон бурчаги




11-расм. Аппарель майдончаси



12,13-расм. Аппарель майдонча ва сиртлар кесилуви

берилади; «Поверхность» буйруғи берилиб топографик сирт кўрсатилади, тасдиқланади. Керакли томон кўрсатилади ёки 13-расмдагидек иккала қисм ҳам қолдирилади. Юқоридаги қисм йўқотилади (14-расм) [14, 15].

Ҳосил қилинган ер сиртидан қазиш ишларини белгилловчи сирт «Вычитания» буйруғи билан олиб ташланади (15-расм). Кюветни ҳосил қилиш учун 16-расмда кўрса-




14,15-расм. Аппарель қиялиги ва ер сирти


тилгандек полилиния буйруғи билан майдонча контури бўйлаб ўтовчи чизик ва кювет профилини берувчи квадрат чизиб олинади. «Сдвиг» буйруғи ёрдамида квадрат полилиния бўйлаб юргизилиб 17-расмдаги жисм яратилади.

Натижалар. Ҳосил қилинган жисм майдонча контурига келтириб қўйилади (17-расм) ва ердан олиб ташланади («Вычитание» буйруғи) (18-расм). «Поиск» буйруғи ёрдамида аппаратлининг ер юзасидан чиқиб турган қисмлари йўқотилади.


Шундай қилиб, гидротехник иншоотларни лойиҳалашда AutoCAD ва 3D MAX график дастурлари асосий лойиҳалаш дастурлари бўлиб, ушбу график дастурларнинг янги имкониятларидан фойдаланиш, лойиҳалаш усулларини тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади



16-расм. Майдон контури



17-расм. Майдон контури «сдвиг» буйруғи



18-расм. Аппарель майдончаси 3D модели

[16,17]. Ўқув жараёнида ҳам уларнинг функционал имкониятлари талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга ва топографик сиртларни лойиҳалаш жараёнига қизиқишларини оширишда муҳим мотивация бўлиб хизмат қилади [18]. Ушбу лойиҳалаш жараёни таълим иштирокчиларига қуйидагиларни беради:

Ўқитувчига:

дарс материалларини замонавий кўринишда тақдим этишга ёрдам беради;

график ишларни кўрсатиш имкониятини беради;

турли мураккаблиқдаги деталларни мультимедиали усулда бажариллигини кўрсатиш;

қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги маълумотни талабага этиқазш имкониятларини беради.

Талабага:

ўзлаштирилаётган билимларни тўлиқ тасаввур этиш ва мустаҳкамлашда қўлланма;

график топшириқларни бажаришда, график дастур имкониятларидан фойдаланиш жараёнини ўрганиш манбаи; график топшириқларни мустақил бажариш кўникмасини ривожлантиради;

топшириқни текисликда (2D) ва фазода (3D) кўринишларини таҳрирлаш имкониятларини билиш;

такрорлаш имкониятини мавжудлиги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мустақил таълимда:

фойдаланувчига репетитор вазифасини бажаради; фойдаланувчига тушунмаган жойини қайта кўриш на- тижасида мустақил ўрганишга ёрдам беради [19, 20].

Хулоса.

- Уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш назарияси ва амалиётидаги аҳволнинг педагогик таҳлили шуни кўрсатдики, бу борада илмий ишланмалар, амалий тажрибалар бўлсада, улар биринчидан, бир тизимга солинмаган, иккинчидан, уни талабалар томонидан ўзлаштиришда қатор дидактик муаммолар мавжуд.

- Уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишда, талабалар муайян ҳаётда фаолият кўрсатиш учун ижтимоий тажриба тўплайдилар. Бу талаба шахсининг жамиятдаги ижтимоийлашув жараёнининг самарали кечишини таъминлайди.

- «Гидротехник иншоотлари» фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишга оид машғулотлар фаолият орқали талабаларда график тафаккур ҳақидаги яхлит тасаввур, яъни айнан техник ва педагогик йўналишдаги бадиий-ижодий фаолиятлар воситасида талабаларда уч ўлчам ҳақидаги ягона илмий дунёқараш элементлари шаклланади ва талаба уч ўлчовли фазони фаол англовчи субъект сифатида майдонга чиқади.

- Психологик тадқиқотлардан маълумки, инсоният томонидан атроф-муҳитни, замон ва маконни, унинг қонуниятларини, шунингдек, график дастурларни ўрганишнинг универсал йўли бўлмаганлиги учун ҳам фазовий тасаввурлар илмий дунёқарашни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

- Уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланишга нафақат техник йўналишдаги хусусий муаммонинг ечими, ҳаттоки талабани ижтимоий ҳаётга тайёрлаш каби ижтимоий-педагогик муаммони ҳал этилишида эмас, балки график таълимга оид муаммонинг ечими – миллат равнақи билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида қаралиши лозим.

References

1. J.Qosimov, U.Nasritdinova, R.Nigmanov, A.Urishev, U.Edilboyev Selection of software for modeling developments and technologies. International Journal of Advanced Science and Technology. 2019. Pp.554-558.
2. J.Qosimov, U.Nasritdinova, R.Nigmanov, U.Edilboyev Three dementional modeling technology for computer science education. XII International Scientific conference on Agricultural Mchenergy Industry. 2019. Pp.145-151.
3. Z.Abdullayev, U.Nasritdinova Effectiveness of virtual simulation of three dimensional Objects in the Devolpment of culture and professional Skills of the audience of the project. International conference on information Science and communications technologies: Applications, trends and Opportunities ICIST. 2019 Pp. 455-460.
4. Altinakar, S., Graf, W. H., Hopfinger, E. J. Weakly depositing turbidity current on a small slope. Journal of Hydraulic Research, 28(1). 2019 Pp. 55-80.
5. Khosravi, A. Investigation of the dimensions of impermeable submerged plates on the turbidity current under laboratory conditions, M.Sc. thesis of water structures, University of Zabol, Faculty of Water and soil, 2016. 90 p.
6. Graf, W.H. Hydraulics of reservoir sedimentation. International Water Power and Dam Construction, 2020. No7. Pp. 45-52.
7. Yan Smit, B.Farberman, Objective assessment of students' knowledge. Tutorial. Tashkent, 2008. 114 p.
8. Rasch G. Probabilistic model for some intelligence and attainment tests. Chicago. Univ. of Chicago Press. 2010, 199 p.9.
9. Little A. Education and employment: the evolution of concepts. Plans for the Future: UNESCO Education Challenges, No. 1. 2018. Pp 23-26
10. Delicate K.G. Methodical recommendations for teachers conducting entrance exams to the University. Kiev: KSU. 2005. 38 p.
11. AsghariPari, S., Mohagheghyan, S. M.. Numerical investigation effect in using plate and tilt columnar barrier in controlling turbidity current. Iranian Journal of Irrigation and Drainage, 2 (9). 2015. Pp. 357-366.
12. Thomas K., Davis J., Openshaw D. and J. Bird. Prospects for programmed learning. Per. from English. Moscow: MirD 2010. 246 p.
13. Sidorenko E.V. Methods of mathematical data processing in psychology. St. Petersburg, 2007, 320 p.
14. Spearman, C.E., "General intelligence" objectively determined and measured. Amerikan Journal of Psychology, 2008. 5, Pp. 201-293
15. Hoi Suen, Methodological Analysis of Pedagogical Measurement Theories, University of Pennsylvania USA, 2004. Pp 234-239
16. U.Nasritdinova, B.Khaqberdiyev. Results theoretical study of the form ofa front surface of a chisel-cultivator stand. "International Scientific Conference construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering". 2019. Pp. 454-463.
17. Ghorbani, Z., Khozaymehnezhad, H., Ramezani, Y. Experimental study on the effects of the shapes and arrays of submerged impermeable plates on turbidity current characteristics. Journal of water and soil conservation, 23(6). 2017. Pp.143-162
18. Tabatabaei, S.M. Khozaymehnezhad, H., Akbarpour, A., Varjavand,. Investigating Effects of obstacles Arrangement on the velocity of Density Current in experimental conditions, Journal of Science and Engineering, 4(1). 2019 Pp:53-64.
19. Varjavand, P., Hosseinzadeh Dalir, A., Ghomeshi, M., Farsadzadeh, D.. Experimental study on the effects of artificial bed roughness on instantaneous velocity fluctuations of saline density currents. Journal of Water and Soil, 27 (4). 2018. Pp.839-849
20. Khalili, A., Khozaymehnezhad, H., Akbarpour, A., Varjavand, P. Experimental study on the effects of artificial vegetation density on gravity current's flow characteristics. Iranian Journal of Irrigation and Drainage, 9 (1).2018 Pp.83-95

ИСКАНДАРОВ САДУЛЛА ИСКАНДАРОВИЧ

1978 ЙИЛДАН 1986 ЙИЛГАЧА

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ РЕКТОРИ

Искандаров Садулла 1939 йил 5 февралда Хоразм вилоятининг Боғот туманида кўп болали оилада таваллуд топди.

1962 йилда Тошкент Фармацевтика институтини тамомлаб, 1963 йилда биринчи илмий иш фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтининг Алкалоидлар лабораториясида СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, ЎзФА академиги С.Ю.Юнусов раҳбарлигида бошлади.



1966 йилда номзодлик диссертациясини, 1973 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, Кимё фанлари доктори, профессор Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги.

1973–1977 йилларда Хоразм давлат педагогика институтининг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори;

1977–1978 йилларда Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш институти директори;

1978–1986 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори;

1987–1990 йилларда «Пахтачиликни кимёлаштириш» лабораторияси мудирини;

1991–2000 йилларда Тошкент Фармацевтика институти ректори;

1992–1993 йилларда “Ўзфармсаноат” ДАК бошқаруви раиси;

2007–2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти директор маслаҳатчиси;

2016–2018 йилларда “Ўзфармсаноат” ДАК куратори сифатида фаолият олиб борди.

Олим **Садулла Искандарович** ўзининг илмий мактабини ташкил этган. Унинг асосида тиббиёт соҳасида янги дори воситаларини ишлаб чиқариш учун фармацевтика корхонаси, қишлоқ хўжалиги соҳасида пахтачилик, дончиликни ривожлантиришда ўзининг ихтироларини амалиётга татбиқ этиш учун ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиб, бугдой ва пахта чигити зараркундаларига қарши полифункционал “Баҳор” ва “Қалқон” препаратларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилди. Ушбу дори воситалари республикада амалиётга кенг татбиқ этилган.

2017 йилда қаттиқ дори шакллари (таблетка, капсула) ва минерал тузли субстанциялар ишлаб чиқарадиган янги “Navkar Sh” МЧЖ фармацевтик корхонасини ташкил этди.

Академик С.И.Искандаровнинг Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари



институтида раҳбарлиги даврида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Унинг раҳбарлигида ўқув бинолари, лаборатория корпуслари, техника павильонлари, кутубхона, спорт иншоотлари ва талабалар турар жойлари қурилди.

1984 йилда 124 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй қуриб битказилди ва институтда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар уй-жойлар билан таъминланди.

1985 йилда институт ўқув-лаборатория машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган, икки блокдан иборат тўққиз қаватли бино фойдаланишга топширилди. Талабаларнинг яшаши, ўқиши ва дам олишлари учун барча шароитларга эга бўлган тўққиз қаватли 3 та талабалар турар жойлари қурилиб, фойдаланишга

топширилди. Институт маданият саройи замонавий тарзда таъмирланди. Шунингдек, институт ҳудудида қишлоқ хўжалик техникалари ва машиналари сақланган усти ёпиқ техника павильони ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди.



Академик Искандаров Садулла Искандарович Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, миллий ғояларни ривожлантиришга, маънавиятни юксалтиришга, халқимизни ўзлигини англашга, юксак қобилияти ва ижодига, илмий фаолиятига, самарали меҳнатига, ёш авлодни ўз Ватанига ва халқига муҳаббат руҳида тарбиялашга, мустақиллик ғояларига ишонч ва жамиятдаги фаол иштироки учун **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 28 августда "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.**

Академик Искандаров Садулла Искандаровичнинг илмий фаолиятидаги асосий йўналишлар:

► Қишлоқ хўжалигида янги препаратлар олиш, ишлаб чиқариш ва қўллаш устида кўп ишлар олиб борди. Биринчилардан бўлиб 1980 йилларда собиқ СССР даврида қишлоқ хўжалигини мақбуллаштириш бўйича пахтачиликда янги лаборатория комплексларини таш-

кил этди: пахта ҳосилдорлигини оширувчи ва ўстирувчи стимуляторлар, препаратлар, ипакчиликда ўстирувчи стимуляторлар, юқори натижа берувчи дефолиантлар, экишдан олдин буғдой ва пахта чигитига бериладиган полифункционал ишлов препаратлари (А-1, "Кетостим", "Оптим", "Оптим-2", "Барака", "Микрофит", "Баҳор" ва "Қалқон").

► Маҳаллий хом ашёлар асосида дори воситалари тадқиқоти ва ишланмаларини ташкил этиш, доривор ўсимликлар асосида янги дори воситалари ишлаб чиқариш, уларни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш устида шогирдлари билан илмий-амалий ишлар олиб бормоқда.

► "Курцетин" (кардиопротектор), "Ферулонг" (подагра, шамоллашга қарши) ва "Гепопрот Нео" (гепатопротектор) препаратлари клиник синовлардан ўтказилиб, дори шаклида амалиётга татбиқ этилди.



Муаллиф 200 дан зиёд илмий ишлар, 4 та дарслик, 50 та авторлик гувоҳномаси ва патентларга эга. Унинг раҳбарлигида 6 та фан номзоди ва 4 та фан доктори тайёрланди.

Институт жамоаси устоз **Садулла Искандаровга** мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилайди.

Т.З.Султанов - ТИҚХММИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори.

Қ.З.Зиятов - ТИҚХММИ Ўқув илмий базаси бошлиғи.

